

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

тўғрисидаги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ветеринария тўғрисида»ги ҳамда бошқа бир қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг ҳаммаси улар қонун ҳужжатларида мақбул тарзда баён этилиши мақсадидан депутатлар томонидан муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳасини модда-модда муҳокама қилиш пайтида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонуни қабул қилди. Қонун мақбуллаш учун парламентнинг юқори палатасига юборилади.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси Ш. Тешаев тақдим этди. Маърузачи қонун лойиҳасини дастлабки муҳокама қилишда сиёсий партиялар фракциялари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмиталари киритган ҳамда қабул қилинган тақлифлар ҳақида депутатларга ахборот берди. Шунингдек, вазирликлар ва идораларнинг, хўжалик юртувчи субъектлар ва жамоат бирлашмаларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, улардаги номувофикликларни бартараф этиш, кодекснинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш мақсадида айрим нормаларни аниқлаштириш бўйича тақлифлари инобатга олинди. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга, солиқ мажбуриятларини бажаришдан буйин товланлик учун жавобгарликни кучайтиришга, шунингдек, қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хил тарзда таъин қилинишига қаратилган. Қонун лойиҳасида Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишига қаратилган бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам назарда тутилган. «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида тақлиф этилаётган ўзгартишлардан

келиб чиққан бўлиб, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга қаратилган.

Модда-модда муҳокама қилиш жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар томонидан ҳужжатнинг айрим нормаларини аниқлаштиришга қаратилган тақлифлар киритилди. Киритилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонунларни қабул қилди. Қонунлар мақбуллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини депутатларга Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А. Тўхтаев тақдим этди. Қонун лойиҳаси жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада эркинлаштиришга қаратилган. Таинланадиган ҳазонини индивидуаллаштириш ва ҳуқуқий кафолатлар механизминини яратиш мақсадида Жиноят кодексининг айбдор шахс астойдил пуншаймон бўлган тақдирда, жазо муддати ва миқдорини муайян даражада пайсатиришни назарда тутувчи махсус модда билан тўлдирдиш тақлиф қилинди. Савол-жавоблардан кейин қонун лойиҳасининг муҳокамасига ўтиди. Унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Киритилган тақлифлар ҳисобга олинган ҳолда Қонун қабул қилинди ва мақбуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

«Аҳоли ўртасида микронутриент етишмовчилиги профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Мەхнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Ж. Ниёзова тақдим этди. Микронутриентлар — инсон организмнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган, ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган озиқ-овқат моддалари, яъни витаминлар ва минерал моддалардир. Қонун лойиҳасида мазкур соҳадаги давлат сиёсати, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идораларнинг, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳоли ўртасида микронутриент етишмовчилиги профилактикаси соҳасидаги ваколатлари белгиланган.

Қонун лойиҳасини модда-модда кўриб чиқиш чоғида депутатларнинг қабул қилиниши ва амалда рўйбга чиқарилиши оналар ва болалар соғлигини яхшилаш имкониятини бериши, ўсиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама камол топилиши таъминлашнинг таъкидлаб ўтдилар. Қонун лойиҳасининг айрим таърифлари аниқлаштирилди, баъзи нормаларига зарур ўзгартишлар киритилди. Модда-модда муҳокама қилиш чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонуни қабул қилди. Қонун мақбуллаш учун парламентнинг юқори палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси олдидан

Мамлакатимизда эртаимиз эгалари бўлиши болаларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб воғга етишлари, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, жамиятда ўз иқтидорини, истеъдодини рўйбга чиқариш учун барча шарт-шароитлар, ҳуқуқий асослар яратилган. Чунони, БМТнинг Бола ҳуқуқлари конвенцияси, унинг бир қатор баённомалари ратификация қилинди. «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалиётга изчил татбиқ этилаётди. Фарзандларимиз саодатини кўзлаган бу ҳуқуқий мажмуалар, ўз навбатида, мамлакатимизнинг халқаро миқёсда болалар ҳуқуқларини ҳимоялашда ташаббускор давлатлар қаторидан ўрин олишига хизмат қилаётди. Энг муҳими, бундай эзгу сая-ҳаракатлар қўламини тобора кенгайтиб, мавжуд қонуний меъёрлар такомиллаштирилмоқда.

ФАРЗАНДЛАР БАРКАМОЛЛИГИ – УСТУВОР МАҚСАД

Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида муҳокама этилиши режалаштирилаётган «Ўзбекистон Республикасининг Мەхнат кодексига ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни ҳам мана шунга қаратилган.

Маълумки, 2008 йил 4 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Халқаро Мەхнат Ташкилотининг (ХМТ) «Ишга қабул қилишда энг кичик ёш тўғрисида»ги (1976 йил 26 июнь, Женева) 138-сонли Конвенцияси ратификация қилинди. Ушбу Конвенциянинг 2-моддасига биноан, ишга қабул қилишдаги энг кичик ёш умуммажбурий таълимни тугатган пайтдаги ёшдан паст бўлмаслиги ва барча ҳолатларда 15 ёшдан кичик бўлмаслиги белгиланган. Бу эса айнан ушбу талабни миллий қонунчи-

лигимизга уйғунлаштириш мақсадида, хусусан, Мەхнат кодексига ҳамда «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга айрим ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш заруратини тўғдирди.

Умуман, миллий қонунчилигимизда ишга қабул қилиниши энг кичик ёши борасида бир қатор нормалар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мەхнат кодекси (77-модда) ва Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига (20-модда) биноан, фуқароларни 16 ёшдан бошлаб ишга қабул қилишга йўл қўйилди. Шу билан бирга, 15 ёшга тўлган шахс, ота-онасидан бири ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин. Шундай қилиб, 15 ёш Ўзбекистон Республикасида ишга қабул қилишдаги энг кичик ёшни аниқлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ ҳам, болалар 6-7 ёшдан 15-16 ёшгача мажбурий умумий ўрта таълим олишади. Мана шундан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2009 йил 26 январдаги 4-сонли баёнига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудиде ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш 15 ёш деб тасдиқланди ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тегишли баёнот Халқаро Мەхнат Ташкилотига юборилган.

Бу ёш меъёри кўлгина давлатлар тажрибасида қўлланб келинаётганини ҳам айтиш ўринлидир. Хусусан, «Ишга қабул қилишда энг кичик ёш тўғрисида»ги (1976 йил 26 июнь, Женева) Конвенцияни ратификация қилган Австрия, Бельгия, Германия, Греция, Италия, Корея, Швейцария, Япония ва бошқа мамлакатлар-

да тан олинган.

Мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган Конвенция талабларини миллий қонунчиликда акс эттириш зарурати ҳам ана шундан. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Мەхнат кодексининг 77-моддаси иккинчи қисмига ўзгартиш киритилмоқда. Унга кўра, ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хўнар коллежаларининг ўқувчиларини ўн беш ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг розилиги билан болаларнинг соғлиғига ва ахлоқий камол топишига зиён etkazмайдиган ҳамда таълим олиш жараёни бузмайдиган енгил ишларни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилинишига йўл қўйилади.

Айни пайтда Мەхнат Кодексининг 242-моддасига ва

«Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига тегишли ўзгартишларни киритиш ҳамда уларни «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштириш мақсадида Мەхнат Кодексиде таълим мат-ни бўйича «ўрта махсус ўқув юртлари» сўзлари «касб-хўнар» сўзлари билан тўлдирилмоқда.

Миллий қонунчилиқнинг меҳнат ҳуқуқи ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қисмига киритилаётган ушбу ўзгартишларнинг аҳамияти катта. Зеро, «Ўзбекистон Республикасининг Мەхнат кодексига ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг кучга кириши билан халқаро меҳнат ҳуқуқи стандартлари ва таълим тўғрисидаги қонунчилик талаб-лари мувофиқлаштирилади. Натижада таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар талаблари тўлиқ бажарилишига замин яратилади. Энг муҳими, бола ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга доир давлат сиёсатининг изчил рўйбга чиқарилиши таъминланади.

М. ИСРОИЛОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Фон, таълим, маданият ва спорт
масалалари қўмитаси аъзоси.

ЗАМОНаВий ЛОЙИХАЛАР НАМОЙИШИ



А. КАНАЗАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Урганч шаҳридаги «Мега-сфера» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси уй-рўзгор ва идора меbellари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу ерда махсулотлар Италия ва Германиядан келтирилган замонавий дастгоҳларда тайёрланади. Асосан ёшлардан иборат 40 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада ишлаб чиқарилаётган меbellарлар кизиқиб тобора ортеб бормоқда. Корхона бош директори Муроджон Ваисовнинг таъкидлашича, кўрғазма дав-

мида «Мега-сфера» махсулотларида турли корхона-ташкилотлар ҳамда яқна тартибда уй-хўй қурувчилардан 50 дан зиёд буюртмалар тушган.

Тадбирда «Қишлоқ қуриш банк» акциядорлик тижорат банки, «Қишлоқ қуриш инвент» инженеринг компанияси томонидан қатнашчиларга уй-хўйларга буюртмалар бериш учун зарур ҳужжатлар тайёрлаш, кредит олиш, қурилиш материалларини сотиб олишдаги қўлайликлар юзасидан батафсил маълумотлар берилди.

Деворбоп махсулотлар, пишшиқ гишт, черепица, шифер

ва бошқа сифатли қурилиш материаллари, сантехника жиҳозлари, пластик қурувлар, пардозлаш ашёлари, пол қопламалари, бир сўз билан айтганда, қишлоқда замонавий уй-хўй бунёд этишда зарур бўладиган барча материаллар ушбу кўрғазмада намойиш қилинди.

Минтақавий кўрғазма доирасида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, қурилиш-пудрат ташкилотлари ва қатор хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари иштирокида ўқув-семинар ташкил этилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Менинг Конституциям

«Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартлоарида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир».

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 37-модда)

Бозор иқтисодиёти меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларда ҳам жиддий ижобий ўзгаришларга олиб келди. Табиғийки, бу ўзгаришлар мамлакатимиз иқтисодиётидаги глобаллашув жараёнлари ҳамда меҳнат бозорининг кенгайиши билан ҳам боғлиқ, албатта. Хусусий секторнинг юзага келиши ва юқори суръатларда ривожланиши бир то-

шарт-шароитларни яратиш мусулюяти, энг аввало, иш берувчиларнинг зиммасига юклатилади. Жумладан, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Ишлаб чиқариш муҳитида хавфсизлик ва меҳнат гигиенаси тўғрисидаги Конвенциясидаги ҳодимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкиллаштириш тўғрисидаги норма Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат му-

ҳанд, уларнинг айримларида меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига эътиборсиз қаралаётганлиги, баъзи бир қурилиш лойиҳаларида хавфсизлик техникаси бўлими мавжуд эмаслиги, махсус иш кийими, шахсий ҳимоя воситалари берилмаслиги аниқланди.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтши муносабати билан қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи, мустакил хўжалик юртувчи субъект сифатида фермер хўжаликлари ташкил этилди. 2004 йил 26 августда қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фермерлик ҳаракатининг янада ривожланишига туртки бўлди ва айни пайтда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ҳодимлар меҳнатини муҳофаза қилиш каби муҳим вазифаларни юзага келтирди. Қонуннинг 17-моддасида ўз ҳодимлари учун хавфсиз меҳнат шартлоарида таъминлаш фермер хўжалигининг мажбурий таъминоти белгиланган. Шундай экан, фермер хўжаликлари қонун талабларига мувофиқ иш юритиши, меҳнатда жароҳатланиш, касб касалликларининг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари зарур. Бу эса ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, фуқароларнинг но-пирон бўлиб қолиши ёки бевақ ҳаётдан кўз юмиши каби нохуш ҳолатларнинг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

АДОЛАТЛИ МЕХНАТ ШАРОИТИ

ҳодимлар фаолиятининг кафолатли ҳимояси ҳисобланади

ҳофазаси тўғрисида»ги Қонунда ҳам ўз ифодасини топган.

Гарчанд шундай бўлса-да, хавфсизлик техникаси қондаларининг бузилиши оқибатида иш берувчи билан ҳодимларнинг ҳаёти ва соғлиғига жиддий зарар etkazилиши ҳолатлари кўпайиб учрайди. Бу каби бахтсиз ҳодисалар сабаблари таҳлил қилинганда, асосан, корхона раҳбарлари, мутахассислари ҳамда ҳодимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги талабларини билмасликлари, бу соҳада етарли билим ва савияга эга эмасликлари маълум бўлади. Қолаверса, бундай кўнгилсизликлар жойларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меъёрий ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги, тарйбот-ташвиқот ишлари тўлиқ амалга оширилмаётганини оқибатида келиб чиқади. Бу эса, биринчидан, иш берувчилар томонидан меҳнат шартлоари таъминлаш ва зифасига совуққонлик билан қаралаётганини кўрсатса, иккинчидан, ҳодимнинг адолатли меҳнат шартлоарида ишлаши каби конституциявий ҳуқуқи бузилишига сабаб бўлади.

Давлат меҳнат техника инспекцияси ҳодимлари 2004 йилда республиканинг қурилиш ва қурилиш индустрияси мажмуалига қарашли корхона ҳамда ташкилотлардан 80 тасида, 2005 йилда эса 30 тасида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўрганиш ишлари олиб бориш-

фармерлик ҳаракатининг янада ривожланишига туртки бўлди ва айни пайтда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ҳодимлар меҳнатини муҳофаза қилиш каби муҳим вазифаларни юзага келтирди. Қонуннинг 17-моддасида ўз ҳодимлари учун хавфсиз меҳнат шартлоарида таъминлаш фермер хўжалигининг мажбурий таъминоти белгиланган. Шундай экан, фермер хўжаликлари қонун талабларига мувофиқ иш юритиши, меҳнатда жароҳатланиш, касб касалликларининг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари зарур. Бу эса ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, фуқароларнинг но-пирон бўлиб қолиши ёки бевақ ҳаётдан кўз юмиши каби нохуш ҳолатларнинг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, адолатли ёки хавфсиз меҳнат шартлоари таъминоти ва давлатнинг бугунги ҳаёти ва келажак тараққиётига ҳисса қўлувчи ҳодимлар меҳнатининг кафолатли ҳимоясини таъминлаш ҳам демокдир. Зеро, бу сая-ҳаракатлар орқали фуқароларимизнинг нафақат саломатлиги ва ҳаётини асраган, балки келажак авлод учун соғлом турмуш тарзини ҳам яратган бўламиз.

НОДИР МУХТОРОВ,
юрдик фанлар номзоди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ПАРИЖДАГИ ДИПЛОМАТИЯ ВАКОЛАТХОНАСИДА БРИФИНГ

(Давоми. Боши 1-бетда)

2009 йил август ойида Бухорода бўлиб ўтган «Сайловларни ўтказиш ва ташкил этишда очиклик, ошқоралик ва транспарентликнинг ҳуқуқий жиҳатлари: жаҳон таърибаси, меъёр ва стандартлар» мавзусидаги анжуман иштирокисси, «Халқаро муносабатлар асослари» (*l'Essentiel des Relations Internationales*) **журнали директори Эдуард Таиёб** уша анжуманда қатнашиб ҳамда Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг қўламли ислохотлар олиб бориладиганини гувоҳи бўлганини қайд этди.
— Мустақилликнинг атиги 18 йилда Ўзбекистон жуда кўплаб, хусусан, жамиятни демократлаштириш ва ҳуқуқий давлат барпо этиш соҳасида улкан муваффақиятларга эришди. Мамлакатда кўп партиявийликни ривожлантириш ва жамиятда фўнлар лиурализмининг таъминлашга йўналтирилган тизимли тадбирларнинг қабул қилиниши олдинда турган парламент ва маҳаллий ҳокимият ва қилиқ органларига сайловлар мамлакат фуқароларининг ўз конституцион ҳуқуқларини амалга оширишлари учун барча ша-

роитлар яратилган, дейишимизга тўла асос бўла олади, — деди Э. Таиёб.
Француз ношри таъкидладики, «130 дан ортиқ миллий ва этник гуруҳлар вакиллари иштирок қилдиган Ўзбекистонда барқарорлик таъминлангани ва уларнинг бирга-лиқда тинч-тову яшашлари учун зарур барча шароитлар яратилгани яна бир муҳим омил ҳисобланади. Бу ҳам олдинда турган парламент сайловларини ўтказиш учун дастлабки зарур асос саналади.

Ўзбекистонда шакллантирилган сайлов қонунчилиги базаси сайловларни либераллашган ва демократлашган дейишга тўлиқ асос бўла олади. Икки палатали парламентнинг ташкил этилиши давлат ҳокимиятининг юқори органлари фаолиятини бугунги шароитларга, демократиянинг умум қабул қилинган меъёрларига мос ҳолда такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди».

Франция Сенатидagi «Франция — Марказий Осиё» дўстлик гуруҳи раиси Андре Дюле «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьосида брифингнинг ташкил этилиши унинг иштирокчиларига мамлакатда юзага келган сайловдаги ҳолатнинг аниқ қўрилиши ҳақида маълумот берганини таъкидлади. Шубҳасиз, олдинда турган парламент сайловлари

Ўзбекистонда демократия жараёнлари ривож топаётганининг далолати бўлади. Сиёсий партияларнинг ўз сайловдаги ташвиқотларида оммавий ахборот воситалари имкониятларидан тўлақонли фойдаланишлари мумкинлиги ҳам муҳимдир.

— Мамлакатда экологик ҳаракатга катта эътибор қаратилганлигини алоҳида айтиб ўтмоқчиман, — деди у. — Албатта, парламентда Ўзбекистон Экологик ҳаракати учун 15 ўрин ажратилгани катта натижадир.

Қўлаб халқаро анжуманлар иқлимнинг ўзгариши билан боғлиқ масалалар билан шуғулланаётган бир даврда Ўзбекистон парламентиде экологик ҳаракат учун катта ўрин ажратилгани муҳимдир. Менинг назаримда, бу жуда хайрли қадам ва мен бу билан Ўзбекистон халқини ва Президент Ислам Каримовни табриқлайман.

— Фурсатдан фойдаланам, — дея ўз фикрини давом эттирди А. Дюле, — Франция Сенати 2010 йилнинг биринчи чора-гида Ўзбекистоннинг янгидан сайланган парламент аъзоларидан бир гуруҳини ўз иш таърибалари билан ўртоқлашиш мақсадида қабул қилишга тайёр эканини айтиб ўтишни истардим.

«Жаҳон» АА,
Париж

Интилиш

Гулистон туманида макарон махсулотлари ишлаб чиқарадиган «Жамшидбек» корхонаси иш бошлади.

Харидоригр махсулотлар

Бунинг учун тадбиркор И. Фафуров банкдан олган кредити ҳисобига ҳориждан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатди. Айни пайтда бу ерда ойига 10 тоннага яқин макарон махсулотлари тайёрланмоқда.

Этиборлиси, тадбиркор ташаббуси билан 10 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Ш. ХОЛМУРДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёш тадбиркор — юртга мадақдор

Урганч шаҳрида ёш тадбиркорлар ўртасида «Ёш тадбиркор — юртга мадақдор» кўрик танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

«Қамолот» ЕНХ вилоят кенгаши ва «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банкни вилоят филиали томонидан ташкил этилган тадбирда 25 нафар ёш тадбиркор ўз бизнес лойиҳалари билан иштирок этди.

Танлов якунига кўра, 6 нафар ёш та-

биркор томонидан тақдим этилган лойиҳалар голлибдиқа муносиб деб топилди. Эңдйликда совриндорлар танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида


Таҳлил кўрсатадики...

Жорий йилнинг учинчи чорагида Германиянинг ялли ички маҳсулоты аввалги ойлардагига нисбатан 0,7 фоизга ўсган, дея хабар тарқатди "Евроњус" телеканалы.

Мамлакат иқтисодыётида бундай ижобий кўрсаткич баҳордан бери кузатилмоқда. Таҳлилчилар корхоналар захирасынинг кўпайгани ва экспорт ҳажмининг 3,4 фоизга ортгани бунда муҳим омил бўлиб хизмат қилганини таъкидлашмоқда. Шундай бўлса-да, июль-сентябрь ойларида аҳолининг истеъмол қобилияти 0,5 фоизга пасайган. Бу автомобиль харидини қўллаб-қувватлашга доир давлат дастурининг тўхтатилгани билан изоҳланмоқда.

АЭСда ёнгин

Англиянинг Кент графлигида жойлашган АЭСдаги марказлашган иситиш кичик станциясида ёнгин келиб чиқди.



Шу боис унинг фаолияти вақтинча тўхтатилган. "ИТАР-ТАСС" ахборотида айтилишича, қўрилган тезкор чора-тадбирлар нати-

жасида "тилсиз ёв" бартараф этилган. Бахтсиз ҳодиса пайтида АЭСда бўлганлардан ҳеч ким жабрланмаган. Шунингдек, станциянинг расмий мутасаддиси — "British Energy" компанияси вакиллари ушбу воқеа маҳаллий аҳолига ҳам ҳеч қандай хавф туғдирмаганини билдиришди. Ёнгин сабаблари ўрганилмоқда.

Норозилик ошмоқда


Ирландия ҳукумати молиявий-иқтисодий инқироз туфайли бюджет ташкилотларида ойлик маошлар ҳажмини қисқартиршни режалаштирғанди.

Ушбу қарор давлат муассасалари ходимларининг норозилигига сабаб бўлди. Айни пайтда мамлакатда 250 мингдан зиёд киши иш ташлаш эълон қилган. Бу эса қатор ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Масалан, биргина шифохоналарда 16 мингдан ортик бемор муолажа ололмапти.

Марсда океан бўлганми?

Марс сайёрасида ўтмишда улкан океан бўлган.

"Journal of Geophysical Research — Planets" журналы хабарига кўра, АҚШдаги бир гуруҳ тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган янги глобал топографик харита мураккаб компьютер технологиялари ёрдамида таҳлил қилинганда, қизил сайёрада уммон қолдиқларига дўч келинган. Сайёра суратларида ҳам худди Ердаги каби дарё ва ирмоқлар изи кўзга ташлангани бу фикр ҳақиқатга яқин эканига ишорадир.



Эслатиб ўтамиз, аввал-қиллари ҳам худди шу йўналишда қатор изланишлар олиб борилиб, тахминлар айтилган эди. Лекин уларнинг аксарияти етарлича далилга эга эмасди.

Узоқ муддатга четлатилди

Италия миллий Олимпия қўмитаси мамлакатнинг тахрибали велоспортчиси Жинни Да Росни 20 йилга мусобақалардан четлаштирди.

Гап шундаки, Да Рос допинг қабул қилганликда айбонлиб, жорий йилнинг март ойида хибсага олинганди. Суриштирув жараёнида аниқ бўлишча, у тақчилланган моддани нафақат ўзи истеъмол қилган, балки бошқа спортчиларни ҳам бу йўлга даъват этган экан.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Advertisement for GSP pipes: ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ» ПРОИЗВОДИТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ. ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ...

2008 йилда бошланган ва айни пайтда дунё мамлакатларининг аксарияти учун "бош оғриғи" бўлиб турган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни нафақат давлатлар иқтисодыётига, балки оддий одамлар ҳаётига ҳам салбий таъсир ўтказишда давом этмоқда. Шундай мураккаб бир шароитда ҳар ким, қандай бўлмасин, таназзулдан чиқиб кетишга уринмоқда, турли йўллари ахтармоқда. Қайси бир давлатда узоқни кўзлаб, иқтисодыётни соғломлаштириш, маҳаллий

Молиявий-иқтисодий инқироз: БАРҚАРОРЛИК Йўлидаги ҲАРАКАТЛАР

Дунё микёсидаги молиявий-иқтисодий инқирозни бошлаб берган ҳодиса — Америка Қўшма Штатларида ипотека кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатига ҳам, мана, бир йилдан, ошди. Ушунда мажбур воқеа мамлакат биржасидаги акциялар баҳосининг кескин дарражада тушиб кетишига ва, ўз навбатида, дунё фонд бозорларидаги нархларнинг пасайишига олиб келганди. Айнан шу кун глобал рецессия бошланган кун деб ҳисобланади. Утган вақт мобайлида худуддаги 90 дан зиёд тижорат банклари, қўллаб каттакичи фирма ҳамда компаниялар ёпилиди. Иқтисодий пасайиш давом этди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай ҳол сўнгги 60 йилда илк бор кузатилмоқда экан.

Шундай бўлса-да, иқтисодчилар жорий йил охирига қадар АҚШ иқтисодыётида ижобий ўзгаришлар бўлишига умид боғламоқдалар. Бунга давлат томонидан иқтисодыётни жонлантиришга ажратилаётган моддий ёрдамга муҳим омил сифатида қаралмоқда. Айтиш жоизки, ана шу тахминлар учинчи чорада илк иншонасини кўрсата болади. Хусусан, жаҳон ахборот агентликлари томонидан тарқатилган хабарларга қараганда, АҚШда мажбур чорада ялли ички маҳсулот ҳажми утган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,5 фоизга ўсган. Шунингдек, экспорт, истеъмол харажатлари ҳамда курилиш соҳасига инвестиция киритиш миқдори ҳам ортган. Лекин америкаликлар бу ижобий ўзгаришларни ҳали-бери ўз турмушларида сезмасликларни муаммоларини ҳам билдирилмоқда. Чунки айни пайтда мамлакатда қарийб 7 миллион нафар киши ишсиз ҳисобланади.

Британияда эса ҳукумат бюджетда юзага келган тақчилликни камайтириш мақсадида 16 миллиард фунт стерлинг (қарийб 25,4 миллиард АҚШ доллари) ҳажмидаги давлат активларини сотишга қарор қилган. Бу ҳақда шаҳсан Бош вазирининг ўзи маълум қилди. Унинг айтишича, давлат активлари бир неча босқичларда сотилиши режалаштирилмоқда. Хусусан, дастлабки босқичда савдога Британияни Европанинг бошқа худудлари билан боғлайдиган "Ла-Манш" бўғози остидан ўтувчи туннелнинг давлатга қаршили бўлган қисми, "URENCO" уран қазиб олувчи қондириш ва бошқа мулклар қўйилмиши кўзда тутилган. Ҳукумат ушбу активлар хисоби-

дан 3 миллиард фунт стерлингга яқин маблағга эга бўлиш ниятида. Бундан ташқари, Бош вазир ҳукуматнинг давлат иқтиёрида бўлган бир неча кўчмас мулкларини ҳам сотиш мақсади борлигини яшириб ўтирмади. Ушбу ниятнинг асоси мук бозориданги вазиет барқарорлашгандан кейин амалга оширилиши мумкин.

Инқироз табиий қазилма бойликларига эга давлатларга ҳам ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Жумладан, Форс кўрғазидagi нефть қазиб олувчи тўртта мамлакатдаги мустақил инвестиция фонлари молиявий бўҳрон чоғида 350 миллиард АҚШ доллариға яқин маблағни йўқотди. Таназзулдан, айниқса, Абу-Даби инвестиция бошқармаси (ADIA) жиҳдий зарар кўрди. Мазкур идора бундан бир йил аввал эга бўлган 453 миллиард АҚШ доллари-дан 183 миллиарднинг бой берди. Кувайтнинг шундай фонди эса 262 миллиард доллар миқдоридagi умумий маблағининг 94 миллиарддан маҳрум бўлди. Бундан ташқари, Қатар давлат инвестиция фонди 27 миллиард, Саудия Арабистонининг "SAMA" агентлиги 46 миллиард доллар зиён кўрди. Мутахассислар бунчалик катта миқдордаги йўқотиш сабабларини кўрфаз мамлакатлари мустақил инвестиция фонларининг сўнгги йилларда хориж, қимматли қўғозларига хатарли тарзда кўп сармоя киритгани билан боғламоқдалар. Аниқлаштиришча, катта маблағлар глобал инқироздан энг кўп зиён кўрган АҚШ ипотека бозорига киритилган.

Шундай мураккаб шароитга қарамай, бошқа давлатлар томонидан кўрсатилган 300 миллиард долларлик молиявий ёрдам эвазига кўрфаз мамлакатлари ўз маблағлари ҳажмини имкони борича сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар.

ишлаб чиқарувчилар манфаатларига аҳолини ижтимоий муҳофазга қилиш каби масалалар пухта ўйланиб, шунга кўра, тадбирлар қўлланилаётган бўлса, уша ерда инқироз оқибатларини бартараф этиш, унинг фуқароларга таъсирини юмшатиш имконияти яратилмоқда. Ақсинча, аниқ хулосага келмасдан, ҳали у йўлни, ҳали бу йўлни синаб кўраётганларда бўҳрон оқибати ҳозиргидан-да чуқурашиб, янгидан янги салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда.

2008 йил якунларига кўра, ушбу фондлар маблағи 1,115 триллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир йил аввал бу кўрсаткич 1,165 триллион доллар эди. Кўп миллиардлик зарардан сўнг мустақил фондлар хорижа сармоя чиқаришга ўта эҳтиёткорлик билан ёндашадиган бўлиб қолдилар. Эндигида араб давлатлари пуллари бу мамлакатлар ушбу масала ҳам сиёсий, ҳам иқтимоий аҳамият касб этмоқда. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига қараганда, жорий йилда иқтисодий бўҳрон туфайли Осиё минтақасида 140 миллион киши қашшоқлик даражасига тушиб қолса, 23 миллион киши эса иш ўринларидан маҳрум бўлди.

Ишсизлик муаммоси нафақат Осиёда, балки Европада ҳам ўткир масалалар қаторида турибди. Чунки еврохудуд доирасида ишсизлар тобора кўпайиб бормоқда. Биргина Францияда сентябрь ойида мамлакат меҳнат биржасига иш сўраб мурожаат қилган фуқаролар сони утган йилнинг шу давридагига нисбатан 25 фоизга ортган. Умуман, айни пайтда мамлакатда меҳнатга яроқли аҳолининг 4 миллионга яқини ишсиздир.

Еврохудудга кирувчи бошқа мамлакатларда ҳам вазиет бундан яхши эмас. Уларда сентябрь ойида ишсизлик даражаси 9,7 фоизга етган. Бу сўнгги 10 йил давомидаги энг юқори кўрсаткичдир. 27 та мамлакатни бирлаштирган Европа Иттифоқида утган бир йил мобайлида ишсизлар сони 5 миллион кишига, еврохудуд доирасида эса 3 миллион 200 миң кишига кўпайган. Испания ва Латвия ишсизлик даражаси энг юқори давлатлар бўлиб, уларда меҳнатга яроқли аҳолининг 19 фоизи ишсиз қолган.

Демак, янги иш ўринларини ташкил этиш билан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қишлоқ худудларида намунавий лойиҳа асосида янги тураржой биноларини барпо этиш орқали аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш бериш каби эзгу ишлар келгусида ҳам жадал давом эттирилади. Бунга узоқни кўзлаб, ҳар томонлама пухта ва муаммал ишлаб чиқилган дастурлар, қабул қилинаётган бошқа меъёрий ҳужуқий ҳужжатлар тўла асос олади. Зеро, мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламда иқтисодий даражасида инсон манфаати, унинг фаровонлиги, эртанги кун ва юрт тараққиёти сингари улуғ мақсадлар мўжассамдир.

Феро ЖАМОЛОВ, сиёсий шарҳловчи.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун

ФАХРИЙЛАР — ФАХРИМЎЗ

Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасида Асосий Қонунимиз қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган йилгили бўлиб ўтди.

"Нуроний" жамғармаси марказий кенгаши раиси Э. Боқибоев, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари Б. Мирбобоев, олимпиа М. Юнусжўаева, академик А. Қасимов Президентимиз Ислоом Қаримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Асосий Қонунимиз катта иқтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади. Конституция юртимизда демократик давлат барпо этиш, эркин бозор иқтисодыётини шакллантириш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини куриш бўйича энг муҳим таъмоиллар, қонда ва меъёрларнинг ўзида муҳассамлаштирган.

Асосий Қонунимиз тенглик, эркинлик, бирдорлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ умуминсоний қоғларга хизмат қилмоқда. Юртимиздаги ҳар бир оила ва фуқаро ўз ҳаёти мисолида катта ўзгаришларни, эркинлик ва ҳуқуқий қадриятларни ҳис қилаётган Конституцияимиз талаб ва қондаларининг ҳаётдаги яна бир амалий ифодасидир.

Йилгилида мамлакатимизда кекса авлод вақиларига катта иззат-иқром ва ҳурмат кўрсатилаётгани, фахрийларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини мустаҳкам ҳимояланаётгани, улар доимий равишда иқтимоий муҳофазга этилаётгани, айни пайтда нуронийлар ёш авлодини Ватанга, мустақиллик қоғларига меҳр-муҳаббат ва сардоқат руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатаётгани таъкидланди.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎЗА мухбири.

Advertisement for LOK KOLOR SINTEZ: ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА ЛОК-БЎЁК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ. ТАДБИРКОРЛАР ВА ПАХТА ЕТИШТИРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА! Пахта, брезент, гилам маҳсулотлари, пардалар ҳамда тез ёнучан матоларни ёнгиндан сақлаш учун "ДЕФЛАМ" ЁНГИНГА ҚАРШИ ВОСИТАСINI таклиф қиламиз. ШИМДИРИНГ ВА ХОТИРЖАМ БЎЛИНГИ!

Advertisement for "Ёнгин хавфсизлиги ойлиги": Ҳурматли ҳамюртлар! Маълумки, қиш фаслида аҳолининг бошқа даврларга нисбатан иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжлари бирмунча ортиб, ёнгин хавфи ҳам кескин кучаяди. Бундай ҳолатни олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги 626-Ф сонли фармойишига асосан, мамлакатимизда 23 ноябрдан 23 декабрга "Ёнгин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилади. Фармойишда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — иқтисодий тармоқлари объектларида ва аҳоли тураржойларида ёнгин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш орқали содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш, улар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларни кескин қисқартирш ҳамда фуқаролар орасида ёнгин хавфсизлиги қондаларини кенг тарбиб этишдан иборат.

Advertisement for AVTODOM PLUS: "ВОЛГА" АВТОМОБИЛЛАРИГА МАКСИМАЛ ЧЕГИРМА. Автосалон: Тошкент ш., Бунёдкор шоҳқўчаси, 118-уй. Тел.: (998 71) 140-41-21, 140-41-22. Офис: Тошкент ш., 100015, Шаҳрисабз к., 16-«А» уй. Тел./факс: (998 71) 256-03-62, 256-13-01.

Advertisement for SONATA: Ўз йўлингни танла! Туловни бўлиб-бўлиб амалга ошириш мумкин. КАФОЛАТ — 2 йил. МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. HYUNDAI Official Partner. Tel. 250-11-11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси "O'zbekiston" телерадиоканали ДУК "Ахборот" инфомацион дастурлар бош муҳарририяти ходимаси Нозимахон Ходжаевага отаси Собитхон ЭШОНХОНОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

Мустақил тараққиёт йўлининг ўтган ўн саккиз йилда олиб борилган кенг қўламли ислохотлар самараси бугун барча жабҳаларда яққол намоён бўлмоқда. Қувонарлиси, бу натижалар жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда эътироф этилаётган тараққиётнинг беш тамойилга асосланган "Ўзбек модели"нинг махсули сифатида баҳоланаяпти.

БИЛИМЛИ, МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

мамлакатимизнинг ривожланишида ҳал қилувчи кучдир

Табиийки, жамиятимиздаги ҳаётбахш ўзгаришлар негизда иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маънавий соҳада пухта ўйлаб амалга оширилган ўзгаришлар мужассам. Мамлакатимизда инсон манфаатларини кўлаб қўриб, чикарилатган ислохотлар муваффақиятида кадрлар, уларнинг етакчилик кучи муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Айтиш кераки, кадрлар билан ишлаш, уларни тарбиялаш, салоҳияти, иқтидорини, касбий маҳоратига қараб бошқарув ишга йўналтириш масаласига Юртбошимиз ҳаммиша диққат-эътибор билан қараб кел-

моқдалар. Таъбир жоиз бўлса, бу масалага давлат тараққиёти, миллат равнақи, жамият тинчлиги ва оқилол-талиги нуқтаи назаридан устувор аҳамият қарати-моқда. Вилоятимизда ҳам раҳбар кадрлар билан ишлаш, уларни жой-жойига қўйиш масаласида давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган қоида ва мезонларга таъбиб иш қўриломоқда. Чунинчи, кейинги йилларда шахар, туманлардаги бошқарув, вилоят ташкилотлари, муассасаларини идора этишга қодир кадрларни танлаш, тарбиялаш, захирга олиш бўйича муайян тадбирлар амалга ошириляпти. Мазкур жараёнда бўлажак раҳбарнинг ўз ишига ўта масъулияти, шах-

сий жавобгарлиқни ҳис этиши, билдирилган ишонч, юклатилган вазифага муносиб билим ва тажриба, малакага эга бўлиши асосий талаб қилиб қўйилаяпти.

Ислохот

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, захирга қўйилган ва етарли тайёргарликдан ўтган кадрлар раҳбарлик вазифа-ри билан мустақил ва самара-ли ишлаб кетишмоқда. Шу боисдан ҳам мазкур макта-бини ўтаган мутахассисларни бошқарув тизимидаги лаво-зимларга фавқ жаб эшти йўлга қўйилган. Табиийки, масъул лавозимларга захи-рага киритилган кадрлар-нинг иш фаолияти, ўз усти-

да ишлаши, қобилияти, эти-каси ва бошқа жиҳатлари мунтазам кузатилиб, вақти-вақти билан суҳбатлар ўтқи-зиб борилади.

Захирадаги кадрлар за-монавий бошқарув асосла-рини пухта эгаллашлари

Айни пайтда вило-ят халқ ҳўжалигининг турли жабҳаларида ишлаётган раҳбарлар-нинг кўпчилиги Ўзбе-кистон Республикаси Президенти ҳўзурида-ги Давлат ва жамият қурилиши академияси-ни битириб чиққан ёшлардир. Ҳозирга қадар академияни вилоятимизнинг 49 нафар вакили битирган-лигини айтиб ўтиш ўринли-дир.

Яна бир жиҳат, вилоятим-из миқёсида хайрли ама-лиёт — устоз-шогирд аъна-налари мустақкам қарор топганки, бу услубдан раҳ-бар-кадрларимиз равнақида ҳам самарали фойдаланиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бошқарув ишини пухта эгаллаган салоҳиятли раҳ-бар бўлиб етишиш учун йиллар керак. Шундай экан, бўлажак етакчиларни ҳар жиҳатдан муқаммал камол топтириш жуда масъулият-ли вазифа ва бунинг уdda-сидан чиқиш учун барча им-кониятларни ишга солаве-рамиз.

Баҳодир БОБОХОНОВ,
Наманган вилояти ҳокимлигининг ташкилий-нозорат гуруҳи раҳбари.

ALP JAMOL BANK

«АЛП ЖАМОЛ БАНК» ХОАТЬ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ҚҮРБУН ҲАЙИТИ ВА РЕСПУБЛИКАМИЗ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

«АЛП ЖАМОЛ БАНК» АҲОЛИ БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҚҮЙИДАГИ ДЕПОЗИТ ТУРЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

- АҚШ ДОЛЛАРИДА**
- Йиллик 7%, сақланиш мuddати — 3 ой.
 - Йиллик 12%, сақланиш мuddати — 6 ой.
 - Йиллик 12%, сақланиш мuddати — 12 ой.
- Депозит бўйича ҳисобланган фоизлар омонатчининг истагига кўра, депозит қўйилган кунда олдиндан бўнак тарикасида, депозит мuddати тугагандан сўнг ёки ҳар ойда АҚШ долларларида тўланади.
- «BOLAJON»**
- Йиллик 5%, 1 йилдан 15 йилгача бўлган мuddатга. Депозит бўйича ҳисобланган фоизлар ҳар йил якунида, яъни 31 декабрда АҚШ долларларида капитализация қилинади.

- ЕВРОДА**
- Йиллик 3%, сақланиш мuddати — 6 ой.
 - Йиллик 4%, сақланиш мuddати — 12 ой.
- Депозит бўйича ҳисобланган фоизлар омонатчининг истагига кўра, депозит қўйилган кунда олдиндан бўнак тарикасида ёки депозит мuddати тугагандан сўнг еврода тўланади.
- МИЛЛИЙ ВАЛЮТА — СЎМДА**
- «ИСТИҚЛОЛ»**
- Йиллик 21%, сақланиш мuddати — 3 ой. Депозит бўйича ҳисобланган фоизлар депозит мuddати тугагандан сўнг тўланади.
- «НУР»**
- Йиллик 18%, сақланиш мuddати — 45 кун, 6, 9 ва 12 ой. Депозит бўйича ҳисобланган фоизлар омонатчининг истагига кўра, депозит қўйилган кунда олдиндан бўнак тарикасида тўланади.

- «НУР»**
- Йиллик 21%, сақланиш мuddати — 3 ой. Депозит бўйича ҳисобланган фоизлар омонатчининг истагига кўра, депозит қўйилган кунда олдиндан бўнак тарикасида тўланади.
- «SOVG'A»**
- Йиллик 26%, сақланиш мuddати — 6 ой. Депозит бўйича ҳисобланган фоизлар омонатчининг истагига кўра, депозит қўйилган кунда олдиндан бўнак тарикасида ёки депозит мuddати тугагандан сўнг тўланади.
- «ХАЗИНА»**
- Йиллик 18%, сақланиш мuddати — 3 ой. Депозит мuddати 1 йилгача узайтирилган тақдирда, ҳисобланган фоизлар ҳар 3 ойда капитализация қилиб борилади.

- «КОМФОРТ» жамғарма депозити**
- Йиллик 21%, сақланиш мuddати — 36 ой. Депозит бўйича ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ҳисобланиб, коммунал тўловларга йўналтирилади. Коммунал тўловлар учун тарифлар ўзгарганда, омонатни тўлдириш имконияти мавжуд бўлади.
- «BOLAJON»**
- Йиллик 14%, сақланиш мuddати — 1 йилдан 15 йилгача. Депозит бўйича ҳисобланган фоизлар ҳар йил якунида, яъни 31 декабрда капитализация қилинади.

Барча омонатлар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига асосан, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди орқали тўлиқ қайтарилиши кафолатланади. Банк Ўзбекистон Республикасининг «Банк сир» тўғрисидаги Қонунига асосан, депозитга қўйган маблағларингиз сир сақланишини кафолатлайди.

Телефонлар: Тошкент ш.: 232-16-00, 150-67-04, Қарши ш.: (8-375) 225-10-10, Наманган ш.: (8-369) 223-12-05, Зангиота қўрғони: 150-20-46.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт



Хушхабар

Мамлакатимизда футболни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли вакилларимиз халқаро миқёсдаги мусобақаларда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Қитъада тенгсиз

Биргина жорий йилнинг ўзида миллий терма жамоамиз 2011 йили Қатар давлатида бўладиган Осиё чемпионати финал қисмига мuddатидан олдин йўлланмани қўлга киритди. «Бунёдкор» ва «Пахтакор» Осиё чемпионат лигаси, «Нефчи» жамоаси эса ОФК кубогининг чорак финалигача етиб келди. Ўз навбатида, юртдошларимиз эришадиган натижалар халқаро миқёсда, жумладан, Осиё футбол конфедерацияси раҳбарияти томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

Кунинча Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда йил лауреатларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Адамиятчил, энг яхши, деб топилганлар орасида Ўзбекистон вакили ҳам бор. Жумладан, бир неча йилдан буён турли халқаро мусобақаларни муваффақиятли бошқариб келаятган Раҳман Эрматов Осиёнинг энг яхши ҳақами номинатсиясида голлиб бўлди. Бунинг аниқлаш жараёнида ҳар бир дaъвогарнинг жаҳон ва Осиё чемпио-натлари саралаш ўрачусларини ҳамда Осиё чемпионат лига-сида бошқарган йўналишда инспекторлар қўйган баллар ҳисобга олинди.

Ўзбекистонлик ФИФА ре-фериси учун бу муваффақият тасодифий эмас. Яқинда ўзининг ўттиз икки ёшини нишон-лаган Раҳман Эрматов деимо мусобақаларни адолатли бош-қариши билан муҳлису мута-хассислар эътирофига сазовор бўлиб келади. У ўтган йили ҳам Осиёнинг энг яхши ҳақами сифатида қайд этилган. Қола-верса, ҳамюртимиз 2010 йили Жанубий Африка Республика-сида ўтказилган жаҳон чемпи-онатига жалб қилиниши мум-кин бўлган ҳақамлар рўйха-тида турибди.

— Соверин менга янада кат-та масъулият юклайди, ўз ус-тимда каттиқроқ ишлаш учун куч беради, — дейди Р. Эр-матов. — Кейинги йилларда дунёда ҳақамлик даражаси сез-иларли даражада ўсди. Мен айнан ушбу соверин учун ҳара-кат қилганим йўқ, мақсади Осиё ҳақамлари ҳам профес-сионаллик борасида бошқа қитъа вакиллари билан тенг-ма-тенг баҳрлаша олишисин.

Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилган эътибор, жаҳон жамоатчилиги эътироф этаётган савий-ҳаракатли, замонавий моддий-техник базанинг яратилганили бос ҳамоюртларимиз Олимпиада йўналири, жаҳон ва қитъа чемпионатларида муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. Сидней, Афина, Пекин Олимпиадаларида катта тажриба орттирган Ўзбекистонлик спортчиларнинг эндиғи мақсади

Лондон Олимпиадаси:

ИМКОНИЯТ, ТАЖРИБА ВА ЙЎЛЛАНМАЛАР

— Пекин Олимпиадасида уч нафар вакилимиз қатнаш-ганди, — дейди Ўзбекистон каноэ федерацияси ижрочи директори Ниёзхўжа ТЕСА-БОЕВ. — Эсингизда бўлса, мусобақа дастуридаги каноэда (1000 метр) эшак эшиш баҳслари жараёнида юртдошимиз Вадим Меньков биринчи ўринга чиқиб олган эди. Аммо Вадим сўнги да-қиқалардагина рақибларини олдинга ўтказиб юбориб, яқинда тўртинчи ўрин билан кифояланишга мажбур бўлди. У яқинда Канаданинг Дартмут шаҳрида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича ташкил этилган нав-батдаги жаҳон чемпионати-да галаба қозониб, Пекин-даги муваффақияти тасодиф эмаслигини исботлади. Яқинда Халқаро каноэ фе-дерацияси техник директо-ри С. Сабо мамлакатимизга ташриф буюриб, В. Мень-ковга «Жаҳоннинг энг кучли каноэчиси» кубогини топ-ширди. Бу, албатта, Ўзбекистон спортига берил-ган юксак баҳодир.

— Президентимиз қарори ижросини таъмин-лаш мақсадида Республи-ка комиссияси томонидан Ўзбекистон терма жамоа-ларини Лондон шаҳрида ўтадиган XXX ёзги Олим-пиада ўйинларига босқич-ма-босқич тайёрлаш дасту-ри ишлаб чиқилди. Бу борада Республика каноэ фе-дерациясида қандай ишлар амалга оширилмоқ-да? — Олимпиада ўйинларига

2012 йили Лондон шаҳрида ўтказиладиган XXX ёзги Олимпиадада янада юқориқоқ натижаларга эришиш-дир. Бу борада давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

ман олганда, Олимпиадага тайёргарлиқнинг иккинчи босқичи 2011 йилга, учинчи босқичи эса 2012 йилга мўлжалланган бўлиб, унда терма жамоамизга жалб эти-ладиган асосий спортчилар саралаб олинади.

— Эшак эшиш бўйича мамлакатимизда халқаро турнир ўтказиш режалаш-тириляптими? Чунки бу мазкур спорт тури билан шуғулланаётган ёш спорт-чилар учун катта тажриба мактаби вазифасини ўташи, шубҳасиз.

— Халқаро турнир ёки қитъа чемпионати ташкил этиш учун яхши спорт база-си мавжуд бўлиши лозим. Ҳозир эшак эшиш спорт турлари Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида бошқа жойларга нисбатан яхши ривожланган. Бу бора-да эшак эшиш бўйича Са-марқанд бош спорт базаси-нинг алоҳида ўрни бор. Мар-казий Осиёда ягона бўлган иншоотнинг умумий майдо-ни 84,47 гектардан иборат. Асосий каналнинг узунлиги 2215 метр, кенлиги 130 метр, чуқурлиги эса 3,5 метр-ни ташкил этади. Мутахас-сисларнинг фикрича, ушбу сузиш ҳавзаси халқаро талабларга тўлиқ жавоб бе-риши ва аҳамияти бўйича дунёдаги бешта йирик канал-лардан биридир. Аммо ке-йинги йилларда мазкур кан-нал таъмирга мўҳтоб бўлиб қолганди. Айни кунларда бу ерда капитал реконструкция ишлари олиб бориломоқда. Мажмуада таъмирлаш иш-лари якунланганча, бемалол Осиё ва жаҳон миқёсидаги мусо-бақаларни ўтказиш мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон спортнинг маз-кур турлари бўйича етакчи давлатлар қаторига қўшил-моқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ
суҳбатлашди.

Осиё ўйинлари ҳам Лондон Олимпиадасига тайёргарлиқ-нинг биринчи босқичи ҳисобланади.

— Лондон Олимпиада-сига саралаш ўйинлари қачондан бошланади? Бу борада терма жамоамиз ўз олдиға қандай мақса-дларни қўйган?

— Яқинда Эронда Осиё Каноэ федерациясининг нав-батдаги конгресс бўлиб ўтди. Унда XXX ёзги Олимпиадада йўлланма берувчи қитъа чемпионатиға қайси давлат мезбонлик қилиши масала-сига оидин-лик киритилди. Конгресс иш-тирокчилари 2011 йилнинг октябрь ойида ташкил эти-ладиган мазкур чемпионатга Эрон давлати номзодини қўллаб-қувватлашди. Йўллан-ма берувчи қитъа чемпио-нида бизга Эрон, Хитой, Қозогистон, Япония ва Жа-нубий Корея спортчилари асосий рақиб бўлиши кутил-моқда. Лекин биз барча им-кониятимизни ишга солиб, камида бешта йўлланма учун кураш олиб борамиз. Каноэ бўйича Вадим Меньков, Се-рик Мирбеков, Мирзиёв Хожиев, Мерей Медетов, Ге-расим Кочнев, байдарка бўйича Сергей Борзов, Юлия Борзова, Алексей Бобононов каби тажрибали спортчла-римиздан умид катта. Уму-



ОБ-ҲАВО (26 ноябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайдди. Туман тушади. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илик атрофида, кундузи 5-10 даража илик бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 7-12 даража илик бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кузатилмайдди. Туман тушади. Кечаси 0-5, кундузи 7-12 даража илик бўлади.

Тошкент вилояти. Ёгингарчилик бўлмайдди. Жойларга туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 7-12 даража илик бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Кечаси 1-6 даража илик, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

Анджон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик кузатилмайдди. Айрим жойларга туман тушади. Тунда 0-5, кундузи 7-12 даража илик бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчи-лик бўлмайдди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мум-кин. Ҳарорат тунда 0-2 даража совуқ, кундузи 8-10 даража илик бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 32963 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

«Халқ сўзи»даги Реклама

Ўшбу жойда Сизнинг рекламанингиз бўлиши мумкин эди!

БИЗНИНГИЗНИ Қўлаб ҚўВВАТАЙМИЗ!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилор к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 233-10-60, 236-09-25, 232-10-63.

Таҳририятта келган қўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материаллари

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилор кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — М. Холматова. Навбатчи — Ю. Бўронов. Мусоҳахчи — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40 Топширилди — 21.50

12 45